“Тасдиқлайман”
Республика ишчи гуруҳ раҳбари
_____ А.Рахимов
2022 йил 20 апрель

Томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи Республика ишчи гуруҳининг 1-сон йиғилиш
БАЁНИ

---

20 апрель 2022 йил **Тошкент шаҳри**

Раислик қилди: **А. Рахимов** – Республика ишчи гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари

Иштирок этдилар: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги вакили Ш. Рустамова, Молия вазирлиги вакили С. Шаимкулов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вакили Х. Қорабоев, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вакили Ш. Пазилов, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи директор ўринбосари, ишчи гуруҳ котиби Э.Бозоров

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “Томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 81-сон қарорининг ижроси ҳолати.

2. “2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 81-сон қарорига мувофиқ томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш бўйича манзилли рўйхат”ни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

(А.Рахимов, Ш.Рустамова, С.Шаимкулов, Х.Қорабоев, Ш.Пазилов, Э.Бозоров, АРахимов)

Кун тартибидаги **биринчи масала** бўйича йиғилиш раиси А.Рахимов сўзни ишчи гуруҳ аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги вакили Ш. Рустамовага берди. Ш. Рустамова ўз чиқишида қуйидагиларни айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрдаги ПҚ-54-сон қарорининг 3-бандига кўра Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида, бироқ 150 млн сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда субсидия берилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги "Томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 81-сон қарори (кейинги ўринларда - Қарор) қабул қилинган бўлиб, мазкур Қарор иловаси билан "Томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги" Низом (кейинги ўринларда - Низом) тасдиқланган.

Қарор ижросига масъул бўлган барча ташкилот ва идораларга, жумладан, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига, "Лойиҳалар ва импорт контракларини комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКга Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан Низом талаблари доирасида субсидия ажратиш бўйича белгиланган вазифаларни ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш юзасидан хатлар билан мурожаат қилинган.

Қарор талабига кўра, субсидия ажратилишига кўмаклашувчи Республика ишчи гуруҳи ташкил этилиши белгиланган. Бунда, ишчи гуруҳ раҳбари бўлиб Кенгаш раиси ўринбосари, ишчи гуруҳ аъзолари бўлиб Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлигига, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг вакиллари ҳисобланади. Бу борада ҳам барча масъул ташкилотларга мурожаатлар қилинган.

Низомнинг 8-бандига асосан, омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия олишни хоҳловчи талабгорлар манзилли рўйхатга кириш учун ариза билан ҳар йили 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ёки Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги "Агросаноатни рақамлаштириш маркази" давлат муассасасининг "Агросубсидия" ахборот тизими (кейинги ўринларда — "Агросубсидия" АТ)

орқали туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашларига мурожаат қилади. Талабгорлар аризани ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ тўлдирган ҳолда электрон шаклда юбориши белгиланган.

Аммо ҳозирда "Агросубсидия" АТ орқали талабгорлар томонидан омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия олиш учун электрон ариза беришни имкони мавжуд эмас (мазкур субсидия тури тизимга киритилмаган). Шу сабабли Қарор ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида талабгорларнинг аризалари тўғридан-тўғри туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари орқали қабул қилинди ва манзилли рўйхатлар шакллантирилди.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** бўйича йиғилиш раиси А.Рахимов сўзга чиқиб, қуйидагиларни айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 декабрдаги "Томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-54-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 81-сон қарорига мувофиқ томорқада етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида 2026 йил 1 январга қадар томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг 30 фоизи миқдорида, бироқ 150 млн сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия бериш ҳамда 2022 йилда ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тегишли маблағлар йўналтирилиши белгиланган.

Қарорларда белгиланган топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлаш учун ҳозирда "Агросубсидия" АТ тизимга мазкур субсидия тури техник томондан тўлиқ киритилмаган бўлсада, талабгорларнинг аризалари тўғридан-тўғри туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари орқали қабул қилинди ва манзилли рўйхатлар шакллантирилди.

Жорий йилнинг 1 апрелига қадар туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари томонидан ҳудудлардан **иловага** жами 35 та талабгорларнинг манзилли рўйхатлари тақдим этилди. Мазкур манзилли рўйхатга мувофиқ, томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш учун талаб этиладиган жами маблағ 25,21 млрд.сўм, шундан ўз маблағлари ҳисобидан 19,86 млрд.сўм, субсидия ҳисобидан 5,25 млрд.сўм зарурлиги аниқланди.

Шунга кўра, "2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 81-сон қарорига мувофиқ томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш

бўйича манзилли рўйхат”ни **иловага** мувофиқ кўриб чиқиб, тасдиқлаб беришингизни сўрайман.

Кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилиб, “Томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратишга кўмаклашувчи Республика ишчи гуруҳи”

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 81-сон қарори ижросига мувофиқ, кун тарбидаги масалалар бўйича сўзга чиққанларнинг маълумотлари ахборот учун қабул қилинсин.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вакили Х. Қорабоевга Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 81-сон қарорига мувофиқ талабгорлар томонидан омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратилиши “Агросубсидия” АТ орқали амалга оширилишида ҳамкорлик қилиш чораларини кўриш топширилсин.

3. “2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 81-сон қарорига мувофиқ томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш бўйича манзилли рўйхат” **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи директор ўринбосари - ишчи гуруҳ котиби Э. Бозоровга тасдиқланган манзилли рўйхатни жорий йилнинг 20 апрелига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Жамғармага тақдим этиш топширилсин.

5. Мазкур йиғилиш баённида топшириқлар берилган масъул шахслар ўз муддатида топшириқ ижросини таъминласин.

Ишчи гуруҳ котиби **Э. Бозоров**

Республика ишчи гуруҳининг
2022 йил "20" апрелдаги 1-сон йиғилиш
баённига ИЛОВА

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 81-сон қарорига мувофиқ томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналари харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш бўйича

МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

№	Туманлар номи	МФЙ номи	Талабгор номи	Хизмат кўрсатувчи банк	Субсидия объекти	Талаб этиладиган жами маблағ (млн.сўм)	шундан:		лойиҳани амалга ошириш муддати	яратила-диган иш ўрни
							ўз маблағи ҳисобидан	Субсидия ҳисобидан		
Қорақалпоғистон Республикаси										
1	**Амударё**	"Чордара" МФЙ	"Амударё томорқа хизмати кластери" МЧЖ	Микрокредитбанк	қуритиш, қадоқлаш ускунаси	600	450	150	2022 йил май	4
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами			**1**			**600**	**450**	**150**		**4**
Андижон вилояти										
1	**Андижон**	"Истиқлол" МФЙ	"Андижон тумани Истиқлол томорқа хизмати" МЧЖ	Микркредитбанк	совутгичли омборхона	500	350	150	2022 йил июнь	4
2	**Асака**	"Юксалиш" МФЙ	"Обод диёр томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	совутгичли омборхона	500	350	150	2022 йил август	3
3	**Олтинкўл**	"Кўмакай" МФЙ	"Олтинкўл томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	совутгичли омборхона	500	350	150	2022 йил июнь	4
Андижон вилояти бўйича жами			**3**			**1 500**	**1 050**	**450**		**11**
Жиззах вилояти										
1	**Бахмал**	"Шодлик" МФЙ	"Шодлик аҳоли томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	қуритиш, саралаш ускунаси	500	350	150	2022 йил май	4
2	**Ш.Рашидов**	"Бўстон" МФЙ	"Бўстон агроснаб таморқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	совутгичли омборхона	500	350	150	2022 йил май	3
Жиззах вилояти бўйича жами			**2**			**1 000**	**700**	**300**		**7**
Қашқадарё вилояти										
1	**Қарши**	"Пахтазор" МФЙ	"DILZIYO TX" МЧЖ	Агробанк	совутгичли омборхона	800	650	150	2022 йил август	4
2	**Чироқчи**	"Дурсин" МФЙ	"Чироқчи сифатли томорқа хизмати кўрсатиш" МЧЖ	Халқ банки	совутгичли омборхона	500	350	150	2022 йил август	3
3	**Чироқчи**	"Чироқчи" МФЙ	"Томорқачилик илмий-амалий маркази томорқа хизмати" МЧЖ	Микрокредитбанк	совутгичли омборхона	500	350	150	2022 йил август	4
Қашқадарё вилояти бўйича жами			**3**			**1800**	**1350**	**450**		**11**
Навоий вилояти										
1	**Кармана**	"Арабхона" МФЙ	"Лочин барака томарқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	музлаткичли омборхона	500	350	150	2022 йил май	5
2	**Хатирчи**	"Чинобод" МФЙ	"Янгирабод томорқа хизмати кластери" МЧЖ	Агробанк	музлаткичли омборхона	500	350	150	2022 йил май	4
Навоий вилояти бўйича жами			**2**			**1000**	**700**	**300**		**9**

№	Туманлар номи	МФЙ номи	Талабгор номи	Хизмат кўрсатувчи банк	Субсидия объекти	Талаб этиладиган жами маблағ (млн.сўм)	шундан:		лойиҳани амалга ошириш муддати	яратила-диган иш ўрни
							ўз маблағи ҳисобидан	Субсидия ҳисобидан		
Наманган вилояти										
1	**Косонсой**	"Гурмирон" МФЙ	"Косонсой кластери томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	совутгичли омборхона	1 500	1 350	150	2022 йил июль	4
2	**Норин**	"Бўзўлмас" МФЙ	"Норин томорқа хизмат 0000" МЧЖ	Агробанк	совутгичли омборхона	1 200	1 050	150	2022 йил май	4
Наманган вилояти бўйича жами			**2**			**2700**	**2400**	**300**		**8**
Самарқанд вилояти										
1	**Булунғур**	"Килдон" МФЙ	"Дилбар сифат уруғ томорқа хизмат" МЧЖ	Халқ банки	совутгичли омборхона	500	350	150	2022 йил май	4
2	**Жомбой**	"Назар" МФЙ	"Жомбой кўчатчилик томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	музлаткичли омборхона, саралаш ва қадоқлаш ускунлари	1 000	850	150	2022 йил июнь	4
Самарқанд вилояти бўйича жами			**2**			**1 500**	**1 200**	**300**		**8**
Сирдарё вилояти										
1	**Сайхунобод**	Иттифок	"Сайхун Элдорбек томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	музлаткичли омборхона, саралаш ва қадоқлаш ускунлари	1 550	1 400	150	2022 йил август	4
2	**Сардоба**	"Куйитош" МФЙ	"Forish sunrise Foods tomorqa xizmati cluster" МЧЖ	Халқ банки	музлаткичли омборхона, саралаш ва қадоқлаш ускунлари	1 160	1 010	150	2022 йил август	4
Сирдарё вилояти бўйича жами			**2**			**2710**	**2410**	**300**		**8**
Сурхондарё вилояти										
1	**Жарқўрғон**	"Офтобқўрғон" МФЙ	"Офтобқўрғон томорқа хизмати" МЧЖ	Микрокредитбанк	совутгичли омборхона	900	750	150	2022 йил май	5
2	**Қизириқ**	"Зарбдор" МФЙ	"Келажак замин томорқа хизмати кластер" МЧЖ	Агробанк	музлаткичли омборхона	2 000	1 850	150	2022 йил май	2
3	**Қумқўрғон**	"Богаро" МФЙ	"Буюк келажак агро томорқа хизмати" МЧЖ	Халқ банки	музлаткичли омборхона	1 100	950	150	2022 йил май	5
Сурхондарё вилояти бўйича жами			**3**			**4 000**	**3 550**	**450**		**12**
Тошкент вилояти										
1	**Оҳангарон**	"Телов" МФЙ	"Dry Garden tomorqa xizmat" МЧЖ	Халқ банки	совутгичли омборхона	500	350	150	2022 йил июль	5
2	**Оҳангарон**	"Шодмалик" МФЙ	"Бирлик томорқа хизмат" МЧЖ	Агробанк	совутгичли омборхона, қуритиш, ускунаси	500	350	150	2022 йил июнь	4
3	**Паркент**	"Соҳил бўйи" МФЙ	"Паркент Зиё Нур томорқа хизмат" МЧЖ	Микрокредитбанк	совутгичли омборхона	800	650	150	2022 йил август	4
4	**Янгийўл**	"Саид ота" МФЙ	"Янгийўл марказий томорқа хизмати" МЧЖ	Халқ банки	совутгичли омборхона	500	350	150	2022 йил сентябрь	5
5	**Янгийўл**	"Саид ота" МФЙ	"Томорқачиликни ривожлантириш Миллий маркази томорқа хизмати" МЧЖ	Микрокредитбанк	қуритиш ускунаси	500	350	150	2022 йил август	4
Тошкент вилояти бўйича жами			**5**			**2800**	**2050**	**750**		**22**
Фарғона вилояти										
1	**Боғдод**	"Гулистон" МФЙ	"Таъминот томорқа хизмати" МЧЖ	Халқ банки	музлаткичли омборхона	500	350	150	2022 йил май	4
2	**Риштон**	"Хожи қишлоқ" МФЙ	"Рошидон томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	музлаткичли омборхона	500	350	150	2022 йил май	4
3	**Қува**	"Гулистон" МФЙ	"Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази" МЧЖ	Халқ банки	музлаткичли омборхона	500	350	150	2022 йил май	4
Фарғона вилояти бўйича жами			**3**			**1500**	**1050**	**450**		**12**
Хоразм вилояти										
1	**Гурлан**	"Ёрмиш" МФЙ	"Аму асали томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	қадоқлаш ускунаси	600	450	150	2022 йил июль	3
2	**Гурлан**	"Нукус" МФЙ	"Махсуд Манзура томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	музлаткичли омборхона	650	500	150	2022 йил июль	4

№	Туманлар номи	МФЙ номи	Талабгор номи	Хизмат кўрсатувчи банк	Субсидия объекти	Талаб этиладиган жами маблағ (млн.сўм)	шундан:		лойиҳани амалга ошириш муддати	яратила-диган иш ўрни
							ўз маблағи ҳисобидан	Субсидия ҳисобидан		
3	**Қўшкўпир**	"Хайробод" МФЙ	"Темур Қалмиқ томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	музлаткичли омборхона	850	700	150	2022 йил июль	4
4	**Урганч**	"Бешайвон" МФЙ	"Хоразм Агро томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	музлаткичли омборхона	500	350	150	2022 йил май	4
5	**Янгиариқ**	"Огаҳий" МФЙ	"Янгиариқ томорқа хизмати" МЧЖ	Микрокредитбанк	қуритиш, қадоқлаш ускунаси	500	350	150	2022 йил май	3
6	**Янгибозор**	"Очақалъа" МФЙ	"Янгибозор томорқа хизматлари" МЧЖ	Агробанк	музлаткичли омборхона	500	350	150	2022 йил май	3
7	**Янгибозор**	"Ширинлар" МФЙ	"Унивесал таъминотчи томорқа хизмати" МЧЖ	Агробанк	музлаткичли омборхона	500	350	150	2022 йил май	3
Хоразм вилояти бўйича жами			**7**			**4 100**	**3 050**	**1 050**		**24**
Республика бўйича жами			**35**			**25 210**	**19 960**	**5 250**		**136**